

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ  
ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ЗООТЕХНИЯ ФАКУЛТЕТИ

ЗООТЕХНИЯ КАФЕДРАСИ

**Бакалавриат 5620600-Зоотехния (тармоқлар бўйича) йўналиши**

Битирув малакавий иши  
кафедрада муҳокама қилинди ва  
ҳимояга тавсия этилди  
Кафедра мудири, доцент  
\_\_\_\_\_Ғ.Амантурдиев  
«\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2014 й.

Ҳимояга рухсат берилди  
Зоотехния факултети  
декани, доцент  
\_\_\_\_\_У.Ш.Балласов  
«\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2014 й.

## БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу: “Турли пуштдан олинган хисори қўзиларини ўсиш ва  
ривожланишини таҳлили”**

**Битирувчи:**

4-91 гуруҳ талабаси

У.Абдуллаев

**Илмий раҳбари:**

Зоотехния кафедрасининг  
Доценти

Н.Шоймуродов

**Такризчи:**Ипакчилик кафедраси

Доценти

С.Собиров

Тошкент – 2014

## **Мундарижа.**

|                                                                                                                             |           |
|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------|
| <b>Кириш.....</b>                                                                                                           | <b>3</b>  |
| <b>II.Адабиёт шархи.....</b>                                                                                                | <b>5</b>  |
| <b>III.Шахсий қисм.....</b>                                                                                                 | <b>14</b> |
| <b>3.1Хўжаликни ташкил бўлиши, иқлими ва об-ҳаво шароитлари.....</b>                                                        | <b>14</b> |
| <b>IV.Меҳнатни муҳофаза қилиш.....</b>                                                                                      | <b>23</b> |
| <b>V.Хусусий қисм.....</b>                                                                                                  | <b>26</b> |
| <b>5.1.Ишнинг мақсади ва вазифалари.....</b>                                                                                | <b>26</b> |
| <b>5.2.Тажриба ўтказилган манба ва унда қўлланилган усуллар.....</b>                                                        | <b>27</b> |
| <b>5.2.Тажриба натижалари ва шархи.....</b>                                                                                 | <b>30</b> |
| <b>5.2.1.Қўзиларни оч тутиш давридаги тирик вазнининг ўзгариши.....</b>                                                     | <b>30</b> |
| <b>5.2.2.Қўзиларни сўйиш ва гўшт қўрсаткичларини ўрганиш.....</b>                                                           | <b>35</b> |
| <b>VI.Сайраб фермер хўжалигида турли пуштдан олинган хисори<br/>қўзиларидан олинган гўштни иқтисодий самарадорлиги.....</b> | <b>40</b> |
| <b>VII.Хулоса.....</b>                                                                                                      | <b>42</b> |
| <b>VIII.Тавсия.....</b>                                                                                                     | <b>44</b> |
| <b>IX.Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....</b>                                                                             | <b>45</b> |

## **Кириш.**

Ўзбекистоннинг иқтисодида қўйчилик муҳим ўрин эгаллайди. Чунончи бу тармоқдан озиқ-овқат (гўшт, сут, ёғ) ва енгил саноатга (тери, пўстин, жун, смушка) ишлаб чиқилади. Республикамиз сўнги йилларда бу борада яхши ишларни олиб бормоқда. Бунга фермер ҳамда фермер хўжаликларни ташкил этилиши, селекция наслчилиги тўғрисидаги қонунлар бу ишларни олиб борилишини яхшилаш Ўзбекистонда ислохотлар бугунги кунга келиб ўз меvasини бермоқда ва чорвачилик соҳасида Республика статистик маълумотларига кўра кўп фермер, фермер ва деҳқон хўжаликлари истиқомат қилмоқда. Бу янги шаклдаги хўжаликлар чет мамлакатларини илғор технологияларини олиб келишига эришди ва чорва маҳсулотларини сифатли қилиб ишлаб чиқарилиши ҳамда уни товар ҳолатига келтириб сотиш борасида катта ютуқларни қўлга киритиб хўжаликларни иқтисодий самарадорлигини тобора ошириб бормоқда. Бугунги кунда булар томонидан 124 млн тонна гўшт, 574 млн тонна сут, 17 минг тонна жун олинган. Бугунги кунда Республикамиз аҳолисини чорва маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи тўла қондирилмаяпти. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотилиш нарҳи паст ва ишлаб чиқарилган ҳаражатларни қопламайди. Ишлаб чиқариш звенолари бир-биридан узоқлашиб кетиб алоқалар узилган. Бу камчиликлар вақтинча, чунки бир тизимдан иккинчи тизимга ўтишда албатта иқтисодий қийинчиликлар, камчиликларни бартараф этиш борасида Республика чорвадорлари тармоғни ривожланиб боришига рақобатдош маҳсулот етказишга аминмиз.

Республика чорвадорлари жуда катта ғайрат ва куч қувват билан ишлаш билан биргаликда соҳага фан ва техника ютуқларини, янги ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш технологияларни киритишни тақазо этади.

Ўзбекистонда чорва маҳсулотларини етарли даражада ишлаб чиқариш борасида потенциал имкониятлар мавжуд. Қолаверса бу соҳани ривожланишига Республика маъсулиятига мустақилликка эришгандан бери жуда катта эътибор бериб келмоқда. Чорвачилик соҳасини етакчи тармоғи

бўлишини қўйчиликка маҳсулот ишлаб чиқаришида катта эътибор берилмоқда қўй ва эчкилар сони 16 миллионга яқин бўлиб, улардан олинadиган маҳсулотлар ўзининг тўйимлиги, сифати билан халқ орасида эътиборга қозонган.

Хозирги вақтда қўйчилик Ўзбекистонда жуда муҳим ўрин тутadi ва бу тармоғни ривожлантиришни жонлантормoқ лoзим. Ўзбекистонда урчитилаётган гўшт-ёғдор думбали қўйлар гўшт манбасидир аммо бу тармоғни ривoжи ҳам деярли даражада ривож топмаган. Бу бoрада жуда кўп ишлар қилинмoқ лoзим. Республикада гўшт етказиш учун асосан ахта қилинган ҳамда яроксиз қари қўйлар ишлатилмoқда, қўзи гўшти етиштиришга унчалик этибор берилмаётир.

Чет мамлакатлари – Австралия, Аргентина, Янги Зеландия бу ишларни яхши йўлга қўйганлар, уларни тажрибасини амалга оширсак ёмон бўлмайди ва тез орада гўшт етказишни юксак даражага ошириш мумкин.

Ўзбекистондаги чорвадорлар олдида жуда муҳим вазифалар турибди бу қўйларни зотини яхшилаши билан биргаликда уларни маҳсулотини ошириш имкониятларини қидириш.

Қўйлар – (қоракўл) сoт етказишда жуда катта манбадир, аммо ҳали ҳам ишлатилаётган эмас. Янги технологияни жорий этилиши билан биргаликда ҳар хил тажриба ва хўжалик шакллари, қўйчиликдаги oғир кўп қўл меҳнатини талаб қилаётган ишларни механизациялаштириш лoзим ва янада етказиладиган маҳсулотларни таннархини пасайтириш йўллари, ҳам изламоқ лoзимдир.

Қўйчилик жуда кўп ва керакли ва зарур маҳсулотлар етказмoқда. Шунинг учун қўйчиликни рентабеллик даражасини оширишга барча комплекс чoра-тадбирлар ишлаб чиқилишини уларни ишлаб чиқаришга жорий этилишини талаб қилади.

## II. Адабиётлар шархи.

Хисори қўйлари ўзининг биологик хусусиятлари ва махсулдорлигига кўра гўшт-ёғдор думбали қўйларга киради ва бу йўналишдаги қўйларнинг энг йирик вакиллари думбали қўйлар ичида гўшт ва ёғ бериш хусусияти бўйича кескин фарқ қилади ва энг юксак кўрсаткичга эга.

Хисори қўйлари Ўрта Осиё халқларини томонидан яратилган буларни вужудга келиши узоқ вақт давом этади. Асосан гўшtdорлиги бўйича танлаш ва саралаш ишлари натижасида яратилади. Бу хисори қўйлари Тожикистон ва Ўзбекистон шароитидаги яйловларга жуда ҳам яхши мослашган ва тез ўсиб етилади. Янги туғилган қўзиларни тирик вазни адабиёт маълумотларига кўра 5-6 кг ташкил этади 4-5 ойлигида эса 40-45 кг ташкил қилади, ёки қисқа вақт ичида уларни тирик вазни туғилган вақтига нисбатан 8-9 барабар ошади.

Бу қўйларни туси асосан қизил ва сариқ лекин оқ туслик қўйлар ҳам учраб туради. Хисори қўйларини жундорлиги бошқа думбали зотларга нисбатан паст узунлиги ҳам калта, хар қўй бошига 1.0-1.7 кг жун беради. Баъзи маълумотларга кўра Бутиков (1972) хисори қўйларини серпуштлиги ҳам юқори эмас ва 100 она совлиқ бошига 94-97 бош берадилар.

Литовченко Г.Р, Есаулов П.А (1972) маълумотларига биноан хисори қўйлари қўй гўшти етказиши манбайидир. Буни хисобга олган ҳолда хисори қўйларини устида танлаш, саралаш ишларини янада жадаллаштириш керак, буларнинг семизлик даражасини ошириш учун барча ишлар қилмоқ лозим.

Шундай ишларни бири Калашников В.И ва Кондаков А.Қ (1988) фикрига кўра уларни бўрдоқига боқишдир. Авторлар хисори қўйлари бўрдоқига боқиш натижасида уларнинг 166 грамга етказганлар. Назорат ўтказилганда эса 11-ойлик қўзиларидан 20.9 кг гўшт олинган. Олинган гўшtnинг кимёвий таркиби эса қуйида қайд этилган кўрсаткичларни ташкил этган: 4.3, 87, 20, 3% протеин энергетик тўйимлиги эса 5212 ккал энергетик тўйимлилиги бўйича чўчқа гўшtidан ҳам баландлиги ўрганилган.

Ўзбекистонда бундай ишларни олиб борилиши барча қулайликларга эгадир. Бизнинг Республикамизда етаказилаётган шароитдан жуда кўп ва сермахсул озуқалар олиш мумкин, шелуха шрот, кунжара шулар жумласидандир. Бундай озуқалардан қўйларни бўрдоқига боқишда фойдаланмоқ мумкин бўлиб жуда ҳам яхши натижаларга эришиш мумкин.

Амиров А.К (1959) Джасимов Ф (1982) тажрибаларида думбалик-хисори қўйларини юқорида қайд этилган озуқалар билан билан бўрдоқига боққанлар ва яхши натижаларга эришганлар.

Думбали гўшт-ёғдор йўналишдаги қўйлар эса нисбатан барча биологик хусусиятлар бўйича фарқ қиладилар. Бундай фарқ уларнинг думбасининг остидаги тўпламидир. Ёғ қатлами бу қўйларга ёмон шароитда озуқа вазифасини ҳам бажармоқда. Думба остига ёғ тўпланиши жуда кўр омилларга боғлиқ эканлиги барча илмий ишларда қайд этилган бу омиллар асосан қўйларни зоти, ёши жинси ва озуқланишидир.

Фарсиханов С.И (1957) хисори қўйларида ўтказган тажрибасида 6-ойлик қўчқорлардан сўйиш натижасида 4,9 кг ёғ олган шундан 87,7% думба ёғи ташкил этган.

Думбали гўшт ёғ йўналишидаги қўйларида думба остига ёғ тўпланиши жуда яхшидир. Бу фазилат авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда.

Бу қўйлар озуқа кўп бўлганида думба остига тўплайдилар озуқалар камайганда ёки тўйимлилиги пасайганда эса думба ёғидан фойдаланадилар, ёғ парчаланиб баданга озиқ моддаси тариқасида тарқалади ва эҳтиёж қондирилади

Думбали қўйларни гўшт-ёғдорлиги жуда кўп илмий ишларда қайд этилган ва ҳар хил шароитларда кўп олимлар томонидан ўрганилган (Кияткин П.Ф 1970, Фарсиханов С.И 1978, Амиров А.К 1990, Донацмиов 1982, Балмонт 1952 ва бошқалар). Бу олимлар нинг фикрига кўра гўшт-ёғдор қўйларидан ўртача гўшт чиқими 55-55%га тенг.

Гўшт-ёғдор йўналишидаги қўй зотларидан яна етарли даражада саноат учун зарур бўлган қиммат баҳо дағал жун оламиз. Жун махсулотлари унча

кўп эмас сифати паст лекин бу жунларга талаб жуда ҳам катта бу жунлардан гилам, сукно, валенка, кийгиз, кашма каби буюмлар тўқилади.

Юдин Ю.И., Родин В.П.(1983), Бакиров А, Қаландаров С (1986) фикрларига кўра қўйлардан 1,5-2 килограмм жун олиш мумкин. Лекин шуни айтмоқ керакки бу йўналишдаги баъзи вакиллардан 2-2,5 кг жун олиш мумкин. Демак жундорлигини ошириш йўллари хали ҳам чегараланган эмас ва бу борада наслчилик ишларини кучайтириш лозим.

Баъзи олимларнинг фикрига караганда қўйларни жунига уларни конституцияси катта таъсир кўрсатар экан. Бу тажриба думбали қўйларда Рахимов А.А (1967) томонидан олиб борилган. Олимнинг фикрича ғўзамой ва мустахкам турли пуштдан олингандумбали қўйлари нозик типдаги қўйдан 39,5% кўп жун беради.

Бундай маълумотларни Ризаев Ш.М ва Раджабов О (1973) ларни тажрибаларидан ҳам кўриш мумкин. Бу муаллифлар қўйларин ёши ва конституциясини уларнинг жунига таъсир этишини ўрганганлар ва 4 ёшдаги дағал-ғўзамой турли пуштдан олинганқўйлар энг кўп жун берганлиги қайд этиб ва қўйларни ёши улғайган сари жундорлик пасайиб қолишини ҳам қайд этганлар. Демак қўйларни кичиклиги жуннинг миқдори нафақат уларнинг ёшига балким конституционал хилларига ҳам боғлиқ экан.

Қўйларни семириш, ўсиши ва ривожланишига баъзи олимларнинг фикрига кўра (Шванов М.Ф, Кулешов, Чирвинский) нафақат уларнинг яйловдаги озуқаларига ва озиқлантиришига балким конституциясига ҳам боғлиқ экан. Дағал турли пуштдан олинганқўйлар тирик вазни ва оғирлига бўйича мустахкам ва нозик типларга кўра фарқ қилади. Бизнинг фикримизча бундай ҳолат уларнинг яйловда ҳаракатига боғлиқдир дағал ва мустахкам қўйлар конституциясига мансуб қўйлар кўп ҳаракатчан ва кўп озуқа истеъмол қиладилар, тез ўсиб семирадилар нозик типдагилари эса тескари шунинг учун улар кам семирадилар.

Қўйларни семириш даражасига ва жун миқдори йилнинг фасли ҳам кўп деярли таъсир этмоқда. Масалан кўп йиллар мобайнида ТошДАУ чорвачилик

кафедрасидаги жун лабораториясида олиб борилган тажрибалар асосига кўра кўйларни бахорги жуни узун ва миқдори кузгига нисбатан баланд. Бундай ҳолатни асоси бизнинг фикримизча бахорги фаслни муддати куздагига нисбатан кўп ва узун яъни кун ҳисобида.

Думбали кўйлар 1912-йил биринчи маротаба бутун Россия кўрғазмасида кўрсатганлар ва томошабинларни ҳамда барча олимларни назоратларини жалб этганлар. Думбали кўйлар тўғрисидаги маълумотлар биринчи бўлиб Чирвинский А.П. ва Елагин В.Б. томонидан 1946-йили чоп этилган.

Думбали гўшт-ёғдор йўналишидаги кўйлар Ўзбекистон, Тожикистон каби республикаларда бир йирик миллий бойликдир. Шунинг учун бу давлатларда биринчи бор думбали кўйлар устида илмий изланишлар олиб борилган.

Думбали кўйлари устида Курчанов (1938); Кияткин (1952, 1957, 1938) Стакан (1945,1948), Фарсиханов (1952) томонидан олиб борилган илмий ишлар алоҳида эътиборга сазовордир.

Думбали кўйлар ичида ҳисори зоти алоҳида ўрин тутмоқда, бу кўйлар жуда йирик, бақувват ва мустаҳкам, улар йил давомида очик ҳавода боқиладилар ва яйловдаги ўчрайдиган ўтларга ўз эҳтиёжини тўла қондирадилар.

Васильев Н. А. Целютин В. К. (1990) тажрибасига асосланиб айтиш мумкинки, ҳисори кўчқорларидан 1,5-2,0 кг жун олинади. Совлиқларидан эса 1,0-1,4 кг ёш кўзиларидан кузги қирқимда 0,4-0,5 кг поярка жуни олинади. Бу олимларни маълумотларига биноан ҳисори кўчқорларни ўртача тирик вазни 100-110 кг, совлиқларни 75-80 кг баъзан яхши вакиллариники кўчқорлари 170-180 кг, совлиқлариники 100-110 кг ни ташкил этади.

Ўзбекистоннинг Фарғона ва Тошкент вилоятларидаги урчитилаётган ҳисори кўйларини тирик вазнлари, Кияткин П.Ф. (1968) ва Битуков (1972)



маълумотларига биноан 70-80 кг, Сурхондарё вилоятида тоғ ва тоғ олди туманларида эса 80-90 кг совлиқлардан олинган жун 1-1,4кг ташкил этган.

Бу йўналишдаги қўй зотларини биз халқимиз тирик гўшт фабрикаси ҳам айтадилар, лекин уларнинг гўшtdорлиги янада ошириш учун барча чоратадбирларни амалга оширмоқ лозим. Шундай тадбирлардан бири уларни семиртириш учун бўрдоқига боқишдир.

Фарсиханов С.И ва Хайитов А.Х (1978) ҳисори қўйларини кўк беда, арпа ва тўрт соат мобайнида яйловда боқиб семиртириш хусусиятларини ўрганганлар уларни маълумотларига биноан 70 кун бўрдоқига боқилиши натижасида қўйларни тирик вазнларини 9,6-10,2 кг кўпайган ҳар бир ойнинг суткасига ўсиши 255-240 грамм ташкил этган, бир килограмм семиришига 5,1-5,6 кг озуқа сарфланган.

Ҳисори қўйларини бўрдоқичилик хусусиятлари Бобоев.К (1975) томонидан ҳам тасдиқланган. Ҳисори қўйлари гўшт манбаидир уларни сути жуда тўйимли озуқа деб ҳисобланади. Шунинг эътиборига олган ҳолда баъзи давлатларда қўйчиликдан маълум даражада сут ишлаб чиқаришни ташкил этганлар, Туркия, Эрон, Покистон, Египет, Саудия Арабистони давлатлари шулар жумласидандир.

Стояпов, Съебнев (1966) оскания, кавказ стоврана ва шу ўлкадаги маҳаллий қўй зотлари сут бериш қобилиятини аниқлаганлар. Авторларни маълумотларига кўра бу зотларни ўртача сут бериши 63,1-64,7; 71,1-83,3 ва 86 кг ни ташкил этган.

Қўйларни сутдорлиги уларнинг ёшига ва конституциясига боғлиқ эканлиги Гузин А.А. (1966) томонидан тасдиқланган ва ҳар ёшдаги қўйларни сутдорлиги бошқа ёшдаги ва конституциядаги қўйларга нисбатан баландроқ эканлигини аниқлаш.

Қўйларни сут миқдори уларнинг тусига ва кўзи бериш сонига ҳам боғлиқ. Рахимов (1964) томонидан оқ тусли думбали қўйларини сутдорлиги бошқа тусдаги қўйларга нисбатан баланд эканлиги аниқланган.

Смирнов (1958) битта кўзи берган совлукларни сути 100 кунлик соғиш даврида 97,2 кг эгиз кўзиларники эса 115,2 кг ўрта ва ундан ҳам кўп кўзилаш совлиқларини сутдорлиги эса 136,2 кг ташкил этган.

Барча адабиёт маълумотларига биноан думбали кўйлардан турли махсулотлар олинишини ва уларга турли омиллар таъсир этиши аниқланди. Лекин думбали кўйларни асосий махсулоти бу гўшт ва ёғ. Бу махсулотлар Марказий Осиёда жуда кўп истеъмол қилинмоқда чунки бу ўлка халқларини талаби шундай гўштга жуда юқори. Шуларни эътиборга олиш лозим ва барча ишларни шу борада жонлантирмоқ керак. Думбали кўйларини гўшти ва унинг тўйимлилиги П.Ф.Кяткин (1970), Ф.Джасимов (1982-1985) Миркин, Монерберка (1949), Шмалянов (1970) томонидан ўрганилган ва юқори баҳоланган. Адабиёт талқинини яқунлаб шундай фикрга келдикки ҳисори кўйларини гўшtdорлиги уларнинг конституциясига ҳам боғлиқ экан. Лекин бу тўғрисида маълумот жуда кам, шунинг учун ўз ишимизни бу мақсадга қаратишга ҳаракат қилдик ва илмий изланишни олиб бордик.

Кўйларни бўрдоқига боқиш хусусиятларига кўй зоти ҳам таъсир этади. Зубаиров (1966)ни ўтказилган тажрибада бу ҳолат тасдиқланган. Бўрдоқига боқилаётган кўйларни озуқаларини оқлаши ҳам бир ҳил эмас. Буйлов С.В. Джапаридзе ва Кивкуция (1965) ўтказган тажрибасига биноан кўйларни озуқаларини истеъмол қилиши озуқа таркибидаги моддаларни ҳазм бўлишига боғлиқ. Рахимов А.А. (1960) Косонсой бўрдоқичилик базасида ҳисори совлиқларини бўрдоқига 8-10 соат мобайнида яйловда ўтлатган олган маълумотига кўра ҳар бир совлиқни тирик вазни 7,2 кг кўпайгани суткалик ўсиши эса 100 граммни ташкил этган.

Костилов А.Н. (1965) ни фикрига кўра бўрдоқичилик хусусиятларига кўйларни зоти ҳам маълум таъсир кўрсатмоқда. Ўз тажрибасида соф зотлик (шимолий кавказ куйбишев, австралия коридели) ва дурагай кўйларини бўрдоқига боқиш хусусиятларини ўрганган. Олган маълумотларига биноан дурагай кўйларни тирик вазни соф зотли кўйларига нисбатан 0,8-1,6 кг ошиқ

бўлган ва дурагай қўйлари 1 кг семиришга соф зотликларга нисбатан кам озуқа сарфланганини қайд этилган.

Қўйларни бўрдоқига боқилиши ва уларнинг натижалари жуда кўп омилларга боғлиқ. Масалан кун тартибига риоя этиш, озукаларни ўз вақтида тарқатиш, қўйларни суғориш жуда муҳим. Хадановични И.В.(1968) маълумотларига кўра бўрдоқига боқилаётган ҳар бир қўй бир кун давомида 4-5 литр сув истеъмол қилади. Бу сувнинг истеъмол бўлиши хавонинг ва об-хавонинг ҳароратига боғлиқ.

Сўнги йилларда қўйларни бўрдоқига боқилишида пахта чиқиндиларидан ташқари гранулянтлар ва бошқа сервитаминли озукалардан кенг фойдаланилмоқда.

Қўйларни бўрдоқига боқишни асосий мақсади уларни тирик вазнини, семизлик даражасини, олинадиган гўшт миқдорини ва сифатини оширишдир. Бундай ишларни амалга оширилиши чорва туёғини сақлаб қолади чунки гўштга кам мол бош сони ишлатилади. Бу усулда олинган гўштлирни таннархи арзон бўлади.

Қўйларни ёзда бўрдоқига боқиш учун кўкатлардан фойдалинилмоқда. Ульенов А.Н, Рижов.А.В (1990) маълумотларига кўра ҳар бир бош қўйга 5-7 кг кўкат ва 0.4-0.5 кг қўшимча омухта ем бериш натижасида қўйларни тирик вазни суткасига 120-140 грамга кўпаяр экан кузги даврда қўйларни бошқа озукалар билан боқадилар.

Коханов В.К (1971) маълумотларига биноан қўйларни бўрдоқига боқишда сенаж яхши самара беради. Муаллиф тажрибаси 2 гуруҳ кавказ ёни жундор қўйларни устида ўтказган. 1 гуруҳни рацион тўйимига кўра 33.6% ни беда сенажни 2.5 % майдаланган, беда пичани 41.4 ёрмаси ташкил этган.2 гуруҳни эса беда сенажи 58.6% ва 41.4% ни арпа ёрмаси ташкил этган олган маълумотларида икинчи гуруҳдаги қўйларни авфзаллигини таъкидлаган.

Казанцев С.И (1969) қўзиларни 5-6 ойдаги интенсив равишда ширали озуқлардан ташкил бўлган рационда бўрдоқига боққан ва олган

маълумотларида қўзиларнинг тирик вазни гавда оғирлиги сўйим чиқими ҳамда ёғдорлиги кўпайганини тасдиқлаган.

Қўиларнинг гўштдорлиги витаминлик озуқа ҳам маълум даражада таъсир этмоқда. Купов Д.К (1978) жанубий қозоқи майин жунли қўй зотларини устида тажриба ўтказди ва уларни рационини витамин А.Д.Е ва уларнинг компонентларини қўшиб озиклантирди. Қўиларни тўла витаминлик озикланиши уларнинг организмида жуда алмашув процесларини оширмоқда бу ҳолат эса навбатида озуқа моддаларини хазм бўлишини ва тирик вазнини оширишга ижобий таъсир кўрсатиш.

Демак бўрдакка боқилганда гранулятлардан фойдаланилиши ва уларни таркибини витамин комплекслари билан бойитиш, қўиларни тирек вазнига ва семилик даражасига ҳамда гўшт миқдорига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Сўнги йилларда гўшт ишлаб чиқаришида қўзиларни гўштга ишлатилишига жуда катта аҳамият берилмоқда.

Бундай гўшт ишлаб чиқиш масаласи марказий Осиё Республикаларида ҳам. Масалан Казнито (1978) маълумотларига кўра Талдикур вилоятини Паифлов районида 14 минг қўзи онасидан эрта ажратиб олинган ва бўрдакка боқилиб шу йилни ўзида гўштга топширилган. Бу ишни олиб борилиши иқтисодий томонидан муваффақиятли бўлган ва юқори сифатли тез хазм бўладиган қўзи гўшти олинган, ҳар бир қўзидан ўрта ҳисобда 20.1 кг гўшт олинган.

Қўзиларни бўрдакка боқилишини ва гўштга топширилишини самарадорлиги Ўзбекистон Республикасида Абдвоитов Ш (1971), Джасимов Ф (1982) ва бошқалар томонидан ишларида қайд этган.

Гўшт ишлаб чиқиш учун бази жойларда бригадирлар жорий этилган, буларнинг асосий вазифаси яроқсиз қўиларни сурувдан ажратиб яйловда ёки бўрдакка боқиб семиртириб гўшга топширишдан иборат. Бази регионларда бундай бригадирлар олиб борган ишларида жуда яхши натижаларга эришганлар ва ҳар бир қўйнинг 1кг семиришига 5-7 озуқ бирлиги сарфланган ҳар қўй бошига эса 25-30 минг сўм соф даромад олинган.

Т.Канцепольский А.С (1983) Қозоғистоннинг “Талас” вилоятида бундай жараён этилган бригадалар томонидан бўрдоқига боқилиб гўштга топширилган қўйларни ўртача тирик вазни 45-50 кг ташкил этган сўйим чиқими эса 50 % дан юқори бўлган.

Бу йўналишда Ўзбекистон республикасида “Конемех” наслчилик заводининг чорвадорлари ҳам яхши натижаларга эришган.

Олинган маълумотларидан кўринадики бўрдоқига боқиб гўштга топшириш ахамияти жуда катта. Бўрдоқига боқилган қўйларни тирик вазнини ва семизлик даражасини ошириш билан биргаликда улардан олинган гўшт жуда мазал ва тўйимлидир. Қўйларни бўрдоқига боқилишини ташкил этиш гўшт ишлаб чиқаришни самарадорлигини оширади шунинг учун бўрдоқига боқилишини кенг жорий этиш озим.

Республикамизда гўштга бўлган талаб йилдан-йилга ошиб бормоқда бу эҳтиёжни қондириш учун гўштга топширилган қўйларни сонини ошиши табиийдир. Шунга қарамасдан республикамизни баъзи жойларида гўштга бўлган топшириладиган қўйларни бўрдоқига боқилиши ҳам эътиборсиз қолмоқда шул сабаби қўйларни тирик вазни ва семизлик даражаси паст ҳолатда қолмоқда.

Гребнок (1973-1971) ва Заритовский (1980) маълумотлари кўра гўштга фақат қари ва яроқсиз катта ёшда бўлган қўйлар ишлатилмоқда бу қўйларни ўртача тирик вазни 38 кг кўпчилиги (38-40%) семизлик даражаси паст.

Паст семизлик даражасидаги қўйларни гўштга топшириш хўжаликларга катта иқтисодий зиён келтирмоқда шу жумладан гўшт ишлаб чиқариш режаси ҳам бажарилмай қолди ва халқ эҳтиёжи бу қимматбаҳо озуқага қондирилмайди.

Бўрдоқига боқилиши самарадорлиги таъминлангани учун бу олиб борилаётган ишни назорат қилмоқ жуда катта этиборга сазовар.

### **III. Шахсий қисм.**

#### **3.1. Хўжаликни ташкил бўлиши, иқлими ва об-ҳаво шароитлари.**

Бизнинг фермер хўжалигини 1943-йилда иқтисодиёти паст бўлган Қуromo-1, Баҳористон Раут, Қурамo-2 каби қишлоқларини бирлаштириш натижасида ташкил бўлган. Сурхондарё вилояти Сайраб хўжалигида жойлашган хўжалик маркази туман маркази Термизгача эса бу масофа 110 км-ни ташкил этади. Хўжалигимиз ерлари орқали республика миқёсида Тошкент-Денов автомобил йўли ўтади ва хўжалигимизни аҳолисига вилоят туман ҳамда республика маркази Тошкент шаҳрига бориб келишлари учун барча қулайликларни яратади.

Бугунги кунда Сайраб фермер хўжалиги ўз ичига Қурамo-1, Қурамo-2, Баҳористон қишлоқларини қамраб олган. Файзиобод қишлоқлар бир-бири билан асфалт ва Тошкент йўллари орқали боғланган. Хўжалигининг асосий йўналиши пахиячилик чорвачилик бўлиб ҳисобланади ва шунда қўйчилик соҳаси муҳим ўрин тутаяди. Хўжалигимизда пахтачилик, чорвачилик билан биргаликда ғаллачилик ҳам ривожланиб бормоқда, асосан буғдой; арпа экилади.

Бугунги кунга келиб ҳар бир қишлоғимизда тахминан 250-300 хонадон мавжуд ва ҳар бир хонаданнинг ўзининг жойи ва томорқаси мавжуд. Умумий аҳоли сони 13 минг кишини ташкил этади, аҳолини асосий қисми ўзбек миллати ташкил этади. Лекин бошқа миллатлар вакиллари ҳам мавжуд.

Сайраб фермер хўжалигимизни ҳудудида тўртта ўрта мактаб, 1-та амбулатория ва дорихона мавжуд. Бунга қўшимча бўлиб маиший хизмат уйи, болалар боғчаси хўжаликни маъмурий биноаси, чойхона ва бозор бор. Хўжалик аҳолиси булардан тўла ҳолда фойдаланади. Хўжаликда хаста бўлган беморлар Сайраб туманидаги касалхонада даволанади.

Хўжаликда транспорт воситалари ҳамда қишлоқ хўжалик машина-тракторларни жамғармаси ҳамда уларни таъмирловчи устахонаси мавжуд. Хўжаликнинг 40 % яқин аҳолини мактаб болалари ва зиёлилар, 15-20%

нафақахўрлар қолган қисимини эса турли соҳаларда ишлайдиган ишчилар ва уй бекалари ташкил этган.

Хўжалигимизни ерлари текислик бўлиб асосан биз ва қумлоқ тупроқлардан ташкил топган. Хўжалик ҳудудидаги ер ости сувлари 10-15 метр чуқурликда жойлашган. Хўжаликни барча ҳонадонлари электрлаштирилган, марказида эса табиий газ мавжуд. Аҳолини сув билан таъминланиш даражаси фақат марказида водапровод орқали амалга оширилади қолган қишлоқларда эса махсус қудуқлар ўрнатилган ва улар сувга тўлдирилади ва аҳолини эҳтиёжини қондиради. Чорва молларини сувга бўлган эҳтиёжини қондириш учун яйловларда махсус қудуқлар қазилган ва 20-30 метр чуқурлигидаги сувлар маторлар ёрдамида тортиб чиқарилади бу сувлар чорва молларини эҳтиёжини қондиради.

Хўжалигимиз ерларини мелиоратив ҳолати яхши лекин айрим ерлари лалми бўлиб табиий иқлимга боғлиқ. Хўжалигимиз иқлими Сурхондарё иқлимига ҳос, баҳор жуда тез келиб кечади. Хўжалигимиз ерларида асосан республикамиз чўлларида ўсишга мослашган ўсимликлар ўсади. Бу ўсимликлар эрта баҳорда кўкаради ва май ойининг ўрталарида қуриб қолади. Хўжалигимизни пастки ҳудудларида ва тоғ етакларида яйловларда ўсимликлар деярли қуримайди ва қўйлар яйловлардан асосан ёзги даврда ўтлатиши режалаштирилади.

Хўжалигимизни иқлими кескин континентал. Ҳавода булут ва туман кам, айрим кунлари бошқа жойларга қараганда бир мунча кўп. Май ойидан бошлаб об-ҳаво исийди ва ҳаво қуруқ бўлади, ёз текис ҳолатда ўтади. Об-ҳавони бир йиллик ўртача ҳарорати 20-25 градусни ташкил этади. Лекин ёз ойларининг айрим кунларида иссиқлик 40-45 градусдан ошади. Энг совуқ ой хўжалик шароитида январ ва феврал деб ҳисобланади ва бу даврда ўртача ҳарорат 20-25 градус совуқ ҳам бўлади. Ёз даври асосан 240-250 кун, қиш эса 125-126 кун давом этади. Ёмғирларни миқдори ва ўртача намдорлик 180-220 мм қиш яхши келганда намдорлик 270-320 мм ташкил этади ва қишлоқ

хўжалик экинларини ва яйловдаги ўтларни ҳосилдорлигини ижобий таъсир кўрсатади.

Қўйлар ўтлайдиган яйловлар асосан иккига бўлинган аҳоли яшайдиган жойларга яқин жойлашган, иккинчиси эса тоғ, тоғолди ёки узоқ жойлашган яйловлар. Бу яйловлардан йил давомида фойдаланиш ва маҳсулот ишлаб чиқариш технологик жараёнларига биноан фойдаланиш режалаштирилади.

Бугунги кунда хўжалигимиз маълум ер майдонлари мавжуд ва улар тўғрисидаги маълумот 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

#### Хўжалик ер майдони

| Ер майдони ва унинг таркиби                | Ўлчов<br>бирилиги | 2011 йил | 2012 йил | 2013 йил |
|--------------------------------------------|-------------------|----------|----------|----------|
| Умумий ер майдони                          | Га                | 6944     | 6944     | 6944     |
| Жами экин майдони                          | Га                | 4900     | 4900     | 4950     |
| Фойдаланадиган ер                          | Га                | 4900     | 4900     | 4900     |
| Суғориладиган ер                           | Га                | 2111     | 2111     | 2111     |
| Яйлов                                      | Га                | 1040     | 1040     | 1040     |
| Кўп йиллик дарахтзорлар                    | Га                | 60       | 60       | 60       |
| Аҳоли томорқаси                            | Га                | 220      | 220      | 220      |
| Қишлоқ хўжалигида<br>ишлатилмайдиган ерлар | Га                | 724      | 724      | 724      |

Келтирилган маълумотлардан кўринадики хўжалигимиздаги ерлар ва унинг таркиби сўнги уч йил давомида стабил равишда турмоқда аммо 724 га қишлоқ хўжалиги ишлатилмай қолган ерларни келажакда ўзлаштирилиши кўзда тутилган. Хўжалик ерларидан фойдаланиш даражасини ўрганишга ёндошдик ва олган маълумотларни 2-жадвалда келтирганмиз.



## Хўжаликни ерлардан фойдаланиши.

| Ер майдонлари                 | Ўлчов<br>бириги | 2011 йил | 2012 йил | 2013 йил |
|-------------------------------|-----------------|----------|----------|----------|
| Жами ҳайдаладиган ер          | Га              | 4950     | 4950     | 4900     |
| Шу жумладан: пахта<br>майдони | Га              | 2111     | 2111     | 2111     |
| Ғалла майдони                 | Га              | 1500     | 1500     | 1500     |
| Полиз ва боғ                  | Га              | 160      | 160      | 160      |
| Сабзавот                      | Га              | 100      | 100      | 100      |
| Кўп йиллик ўтлар              | Га              | 200      | 220      | 225      |
| Шундан пичан майдони          | Га              | 160      | 160      | 160      |
| Маккажўхори силос учун        | Га              | 40       | 60       | 65       |
| Боошқа экин майдонлари        | Га              | 829      | 829      | 804      |

Келтирилган маълумотларда кўринадиган ҳайдаладиган ер майдони миқдори фойдаланишида сўнги йилларда фарқ этмайди ва бир текис ғалла майдони 1500 нисбатга, полиз ва боғ майдони 160 гектарни сабзавот майдони 200-225 гектарни ташкил этган. Маккажўхори силос учун экилиши 40 гектардан 60-65 га кўпайган турли бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари майдонлари 829-804 га ни ташкил этган.

Ишлаб чиқарилган товар маҳсулоти бевосита хўжаликни иқтисодий қувватини белгиловчи кўрсаткичдир. Шу сабабли биз хўжаликни ишлаб чиқарилган маҳсулотларни товар даражасини ҳам аниқладик. Бу тўғрисидаги маълумотлар 3-жадвалда келтирилган.

## Хўжаликда маҳсулотларни товарлик даражаси

| Кўрсаткичлар                        | Ўлчов<br>бириги | 2011<br>йил | 2012<br>йил | 2013<br>йил |
|-------------------------------------|-----------------|-------------|-------------|-------------|
| Жами ялпи маҳсулотни ёки<br>сотилиш | Минг сўм        | 188517      | 200229      | 1171,2      |
| Шу жумладан: Ўсимликдан             | Минг сўм        | 151420      | 191903      | 4083        |
| Чорвачиликдан                       | Минг сўм        | 14401       | 24090       | 9689        |

2013-йилдаги кўрсаткичлар 2012-йилга нисбатан анча баланд ялпи маҳсулот 1171,2 минг сўмга, шундан чорвачилик маҳсулоти 9689 минг сўмга ўсимликшунослик бўйича бу кўрсаткич 40483 минг сўмга устунлик қилган. Олинган маҳсулотларни таҳлили шуни кўрсатмоқдаки асосий даромад ўсимликдан (пахтадан) 8870 қолган 12 % га ва йиллик соҳасидан келган. Чорвадан олинган даромадни 60 % қўйчилик ва эчкичилик тармоғига тўғри келади.

Биз хўжаликда олинган даромадни таҳлиliga биноан шуни такидлаймизки хўжаликни иқтисодини ҳал этувчи соҳа бу пахтачилик соҳасидир. Хўжаликдаги мавжуд молларни бош синини таҳлил тўғрисидаги маълумотлар 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

Сайраб фермер хўжалигини чорва туёғини сони

| Кўрсаткичлар              | 2011  | 2012  | 2013  |
|---------------------------|-------|-------|-------|
| Жами қорамол сони         | 255   | 263   | 237   |
| Шундан сигир сони         | 86    | 90    | 91    |
| Турли ёшдаги таналар сони | 169   | 173   | 196   |
| Жами қўй сони             | 10600 | 10786 | 10833 |
| Шундан она қўй сони       | 6079  | 6100  | 6200  |
| Жами эчки сони            | 1004  | 879   | 1442  |
| Жами она эчки             | 266   | 300   | 1060  |

Жадвалдаги маълумотлардан кўринадики чорва молларини тобора олиб бормоқда. Шу жумладан урғочи (она) молларни сони ҳам ошмоқда лекин подани таркибидаги сигир она қўйлар сони анча паст ва меъёрга етказишни талаб этади. Хўжаликда биз ишлаб чиқилган маҳсулотни ҳам ўрганиб чиқдик ва олган маълумотларни 5-жадвалда келтирганмиз.

Сайраб фермер хўжалигида чорва молларини маҳсулоти ишлаб  
чиқилиши

| Кўрсаткичлар                               | Ўлчов<br>бириги | 2011<br>йил | 2012 йил | 2013 йил |
|--------------------------------------------|-----------------|-------------|----------|----------|
| Бир сигирдан олинган сут                   | Кг              | 1250        | 1300     | 500      |
| Қорамолни суткали семириши                 | Г               | 250         | 300      | 100      |
| Бир бош қўйдан олинган жун                 | Кг              | 1,7         | 1,4      | 0,5      |
| Бир эчкидан олинган жун                    | Кг              | 3,0         | 3,2      | 0,2      |
| Тул олиш: қўзи сони                        | Бош             | 6112,6      | 6212,0   | 600      |
| Бузоқ сони                                 | Бош             | 45          | 53,0     | 8        |
| Улоқ сони                                  | Бош             | 113         | 530      | 417      |
| 100 бош она мол ҳисобидан<br>олинган: қўзи | Бош             | 100,4       | 100,2    | -        |
| Бузоқ                                      | Бош             | 50          | 58,3     | 8,3      |
| Улоқ                                       | Бош             | 37,6        | 50       | 12,4     |

Жадвалдан кўриниб турибдики 2013-йилда чорва молларини маҳсулдорлиги 2012-йилга нисбатан бир мунча устан турмоқда жами қўзи сони бўйича бу кўрсаткич 100 бошга бузоқ бўйича 8 та; улоқ бўйича 417 бошга ошган. Умуман олиб таҳлил қилганда хўжаликдаги чорва молларини маҳсулдорлиги етарли деб айниқса бузоқ ва улоқ олишда бу кўрсаткичлар Республика бўйича олинган бузоқ ва улоқ сонига нисбатан паст соҳага мутахассислар эътиборини шунга киритишга тавсия этамиз.

Чорва молларини маҳсулдорлиги билан биргаликда хўжаликда соҳадан ишлаб чиқарилган ва сотилган маҳсулотларни ҳам ўргандик. Бу борадаги маълумотларни 6-жадвалда кўриш мумкин.

Сайраб фермер хўжалигида чорва маҳсулотларини ишлаб чиқарилиши  
ва сотилиш

| Кўрсаткичлар   | Ўлчов<br>бирлиги | 2011 йил | 2012 йил | 2013 йил |
|----------------|------------------|----------|----------|----------|
| Жами: гўшт     | Тон              | 77       | 77       | 77       |
| Сут            | Тон              | 84       | 246      | 249      |
| Жун            | Тон              | 0,8      | 0,8      | 0,8      |
| Сотилиши: гўшт | Тон              | 65,4     | 70,1     | 75,0     |
| Сут            | Тон              | 62       | 127      | 130      |
| Жун            | Тон              | 1,1      | 0,8      | 0,8      |

2013 ва 2012-йилдаги маълумотлар 2011-йилга нисбатан устун турмоқда. Хўжаликда ишлаб чиқарилган гўшт ва сут ички хўжалик эҳтиёжида ишлатилганлиги сабабли сотилгани ишлаб чиқарилганлиги сабабли сотилгани ишлаб чиқарилганидан бир оз фарқ этади, жун эса тўлиқ сотилган.

Чорва молларидан маҳсулот ишлаб чиқарилиши хўжалик учун қанчага тушишини аниқлаш учун маҳсулотларни таннарҳини ўрганиш жуда муҳим. Биз бу тўғрисида олган маълумотларни 7-жадвалда келтирганмиз.

Сайраб фермер хўжалигида олинган чорва маҳсулотларини таннарҳи

| Кўрсаткичлар                       | Ўлчов<br>бирлиги | 2011<br>йил | 2012<br>йил | 2013<br>йил |
|------------------------------------|------------------|-------------|-------------|-------------|
| Қорамолларни 1 центнери семириши   | Сўм              | 24416       | 27970       | 33079       |
| Қўй ва эчкиларни 1 центнер семириш | Сўм              | 1600        | 1400        | 200         |
| 1 центнер жун                      | Сўм              | 8500        | 2500        | 100         |
| 1 центнер сут                      | Сўм              | 3576        | 6400        | 3324        |

Жадвалдан кўринадикки 2013-йилда маҳсулотлари таннари (қўй ва эчки семиришидан ташқари) 100 дан 53079 минг сўмгача ошиб борган. Бунинг сабаби озуқаларни нархи ва меҳнат ҳақини ошишига ва маҳсулотни сотиш нархини паст бўлишига боғлиқ деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг тадқиқотимиз қўйларни гўштдорлиги бўйича олиб борилганлиги туфайли улардан гўштга топширилиш давридаги тирик вазнини ҳам таҳлил этдик ва қуйидаги натижаларни олдик (8-жадвал).

8-жадвал

Гўштга топширилган қўйларни тирик вазни

| Кўрсаткичлар                | Ўлчов<br>бирлиги | 2012 йил | 2013 йил |
|-----------------------------|------------------|----------|----------|
| Қорамолларни вазни          | Кг               | 280-300  | 300-310  |
| Қўйларни вазни              | Кг               |          |          |
| Наслга яроқсиз<br>қўчқорлар | Кг               | 80-90    | 90-100   |
| Совлуқлар                   | Кг               | 65-70    | 65-70    |
| Ахталанган<br>қўчқорлар     | Кг               | 60-65    | 60-65    |
| 7-8 ойлик қўзилар           | Кг               | 40-45    | 40-45    |

Молларни гўштга топишилган вазни асосан қорамоллар бўйича андоза талабидан анча паст, қўйлар бўйича бу кўрсаткичлар деярли яхши лекин ошириш имконларидан тўла фойдаланилмаган деб ҳисоблаймиз. Буни амалга оширишда фикримизча уларни бўрдоқилаб ундан сўнг гўштга топширилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Хўжаликни рентабеллигини ҳам ўрганиб чиқишга ёндошдик ва олган маълумотларни 9-жадвалда келтирганмиз.

## Маҳсулот ишлаб чиқаришни рентабеллик даражаси

| Кўрсаткичлар               | Ўлчов<br>бирлиги | 2012 йил | 2013 йил |
|----------------------------|------------------|----------|----------|
| Жами ялпи даромад          | Минг сўм         | 46623    | 46900    |
| Жами сарфланган<br>ҳаражат | Минг сўм         | 38291    | 41542    |
| Олинган соф фойда          | Минг сўм         | 8332     | 5358     |
| Рентабеллик даражаси       | %                | 21,75    | 12,89    |

Хўжаликни маҳсулот ишлаб чиқарилиши рентабеллик даражаси 2012-йилда 21,35 2013-йилда эса 12,89 фоизни ташкил этган.

#### **IV.Мехнатни муҳофаза қилиш.**

Мехнат жараёнида инсоннинг хавфсизлиги ва иш қобилитини сақлаб қолишни таъминлайдиган қонунлар акти ва уларга тегишли иқтисодий, техникавий ва ташкилий тадбирларни мехнат муҳофазаси деб аталади. Бизнинг ҳўжалигимизда одам ва ишга қабуллашида техника ва мехнат хавфсизлиги бўйича инструктаж ўтказилади.

Бугунги кунда кириш инструктажидир ундан кейинг эса иш жойдаги инструктажидир бу инструктажлар ҳар олти ойда қайта ўтказилади. Ўтказилган инструктажлар алоҳида журналга қайд этилади. Мехнатни муҳофаза этишни асосий мақсади ишчиларни мехнат хавфсизлигини ва профессионал касалликлардан ҳамда бахтсиз ходисалардан сақлашдир.

Мехнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги ҳўжалигимизда бош инженер зиммасида юклатилган бўлсада асосий жавобгар шахс техника хавфсизлиги бўйича инженер зиммасига тушади. Мехнат муҳофазасини ишлаб-чиқариш санитарияси ва мехнат қонунларини ўз ичига олади. Хавфсизлик техникаси хавфли ишлаб-чиқариш омилларини,яъни хавфсизлик қай даражада бузилганда бахтсизлик қоидалари шкастланишлар келтириб чиқарадиган факторнинг инсонга таъсир этишининг олдини оладиган ташкилий ва техникавий тадбирлар системасидир.

Ишлаб-чиқаришда хавфли касалликлар келтириб чиқарадиган омилларнинг ишловчиларга таъсирини олдини оладиган ташкилий гигиеник ва санитария техникавий тадбирлар ҳамда воситалар ситемасидир. Мехнат муҳофазасини, техника хавфсизлигини билан ёнғин хавфсизлиги ва ёнғиндан ҳимоя қилиш чамбарчас боғлиқликдир. Ишлаб-чиқаришда ва турмушда юз берадиган ёнғинлар момақалдироқ фақат моддий бойликларга эмас балки ишчилар ҳаётига ҳам хавф туғдиради шуларнинг олдини олиш жуда катта иш талаб қилади шунинг учун мехнат муҳофазаси тармоғига боғлиқ бўлган барча чора-тадбирларни амалга оширмоқ лозим.

Хўжаликда бахтсиз ходисаларни ва уларни рўйхатга олиш, бўйича ишлари олиб бориш маъсуляти бош инженерга юклатилган.

Хўжалигимизда иш куни ва вақти ҳар бир ишнинг миқдорига, турига қараб белгиланган. Сут соғувчилар иш тартиби эрталаб соат 6-дан бошланади ва соат 9-ларгача давом этади, мол боқарларни иш куни эса соат 5-дан бошлаб кеч соат 11-гача давом этади.

Бизнинг хўжалигимизни маъмуряти томонидан ишчи-хизматчиларни яшаши ва ишлаши учун барча қулайликлар яратилган, дам олиш хоналари, ишчиларни санаторияларга путёвқалар бериш, ишларни авж олган вақтида уларни овқат билан таъминлаш, яхши хизматчиларни ва ишчиларни рағбатлантириш шулар жумласидандир.

Чўпонларни жуда оғир фаслига қиш даври ҳисобланади шу йилга қараб маҳсус киймлар билан таъминланади.

Ҳар бир ишчи учун маҳсус карточка тутилади, бу карточкага ҳамма буюм кийимлар ёзилади.

Хўжаликда сўнги йилларда меҳнатни муҳофаза қилиш учун алоҳида 250-300 минг сўм ажратилмоқда. Хўжалигимизни марказида ва бўлимларида техника ҳафсизлиги хоналарни мавжуд уларда йил техника ва меҳнат муҳофазаси ҳамда чорва моллари билан ишлашда ва барча электр қучларидан тўғри фойдаланиш бўйича маърузалар ўтказилади.

Ёнғин содир бўлиши қишлоқ хўжалигига ва жумладан чорвачиликка жуда кўп зарар келтиради, чунки барча зарур қиммат баҳо воситалар ва буюмлар ёниб ва ишга яроқсиз ҳолатга келиб қолади.

Хўжаликларда ёнғин содир бўлиш сабаблари жуда кўп, электр воситаларни иссиқлик ишлаб чиқарадиган ва бошқа воситаларни нотўғри ишлатишни ҳамда фойдаланилиши шулар жумласидандир. Бизнинг хўжалигимизда бу борада сўнгги йиллар ичида барча яхши ишлар қилинган шунинг учун ёнғин содир бўлмаган. Хўжалигимизда ва ёнғинга қарши маҳсус бригада мавжуд. Хўжалигимизни марказида ва бўлимларини марказларида ёнғин шитлари мавжуд ва улар ёнғинга қарши инвенторлар билан жиҳозланган. Бу жиҳозлар сув юборадиган шланг, болта, лом, челак, сув бочкаси, лапаткалар ва болғалар каби инвенторлардир.



Фавқулудда ҳолатда ёнғин содир бўлганда биринчи ҳолда фавқулот ҳолати элон қилинади ва махсус сигнал орқали ёнғинга қарши бригада чақирилади, ҳамда барча ҳайвонларни, озуқаларни, аҳолини ва қиммат баҳо анжомларни махсус тузилган карта асосида иш тутилиб эвакуация ишлари олиб борилади. Бу ҳолатда ҳар бир ишга жавоб берадиган шахс белгиланади. Ёнғинга қарши бригада азолари вақти-вақти билан тажриба-машқ ўтказадилар ва ўқитилиб тайёрланади.

Ветеринария ва зоотехния қонунларига асосан молларни боқиш улардан фойдаланиш, озиклантириш, махсулот ишлаб чиқиш истеъмол қилиш ўзига яраша муаммолардан иборатдир. Бунинг асосий сабаби ҳайвондан инсонга юқадиган ва атрофга тарқатиладиган касалликлар ишчи, хизматчилар шахсига хавф етказадилар. Бундан ташқари улардан чиққан чиқиндилар ташқи муҳитни ифлослайдилар. Баъзан касал моллар барча боқиладиган ерларда даволанади ва унинг чиқинди моддаси юқумсизлантirmай қолади натижада инсонга юқади ва атрофга тарқатади. Шунини ҳисобга олган ҳолда хўжалигимиздаги яйловларни ҳолатини сақлаб туриш чора-тадбирлар амалга оширилади, булар дизенфекция, дератизация ишларини амалга оширишдир аммо бу чора-тадбирлар ҳам етарли даражада эмас.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича барча масалаларни ўрганиб чиқиб анча муаммолар борлиги аниқланди. Сўнги йилларда бизни хўжалигимизда бахтсиз ҳодиса ва ёнғин юз бергани йўқ, аммо ҳамма ишлар яхши деб бўлмади. Шунинг учун қуйидаги тавсияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш лозим.

1. Яйловларни санитария ҳолатини яхшилаш.

2. Инфекцион касалликларини ва тарқатувчиларини олдини олиш.

3. Электр, автотранспортларидан ва барча механизациялардан тўғри фойдаланмоқ, ҳамда жавобгар шахслар томонидан бу борада назоратни кучайтирмоқ лозим.

## **V.Хусусий қисм.**

### **5.1.Ишнинг мақсади ва вазифалари.**

Ўзбекистон республикасида сўнги йилларда гўшт ишлаб чиқарилишида барча ютуқлар қўлга киритилган. Бу гўштни асосий қисми республикада урчирилаётган қўйчилик тармоғидан олинади ва бунда гўшт-ёғдор қўйлари салмоқли ўрин тутадилар. Бу қўйлар бизнинг шароитимизга жуда яхши мослашган ва сермахсулдир.

Бундай аҳамиятига қарамасдан гўшт-ёғдор қўйлари гўшт маҳсулоти ҳали етарли даражада ўрганилган эмас деб ҳисоблаймиз. Бажарилган илмий ишнинг асосий мақсади турли хил турли пуштдан олинган ҳисори қўйлари гўшт маҳсулдорлигини ўрганишдан иборат. Илмий иш ҳисори қўйларини генетик потенциал имконларини аниқлашга қаратилган ва қўйлардан маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳамда қўйчиликни иқтисодий самарадорлигини оширилиши кўзда тутилмоқда. Қўйилган мақсадга эришиш учун қўйидаги вазифаларни амалга оширилиши лозим деб топилди.

1. Турли конституциядаги ҳисори қўзиларни тирик вазнини ўзгаришини аниқлаш.
2. Бу қўзиларни семизлик даражаси ва гўшtdорлигини ўрганиш гўшт категорияси ва гўшт кўрсаткичлари.
3. Ўтказилган тажрибани иқтисодий самарадорлигини таҳлил қилиш.
4. Тажриба натижаларига асосланиб тавсиянома ишлаб чиқиш.

## 5.2.Тажриба ўтказиладиган манба ва унда қўлланган усуллар.


Биз тажрибани Сайраб фермер хўжалигида урчитилаётган ҳисори қўйлар қўзиларини устида олиб бордик. Тажрибага ажратилган қўзилар хаммаси кўздан кечирилди ва уч хил конституцияга бўлишди. Ажратилишга биноан уч гуруҳга киритилди, фенотипик кўрсаткичлари бўйича гўшт-ёғдор қўй зотиға мансуб бўлган.Тажрибани қўйидаги келтирилган схема асосида олиб бордик (10-жадвал).

1-гуруҳни турли жинс ва ёшдаги қўпол конституционал типидagi қўзилар ташкил этди.

2-гуруҳга турли жинс ва ёшдаги мустаҳкам конституционал типидagi қўзилар киритилди.

3-гуруҳга эса турли жинс ва ёшдаги нозик конституционлал қўзилар киритилди.

Жадвал-10



1.Қўзиларни сўйишдан олдин оч тутган давридаги тирик вазнининг ўзгариши.

2.Қўзиларни тирик ҳолатдаги семизлик даражаси ва категорияси.

3.Сўйиш натижалари.

3.1.Нимта оғирлиги ва чиқими.

3.2.Ёғ оғирлиги ва чиқими.

3.3.Субпродуктларни оғирлиги ва чиқими.

3.4.Сўйиш вазни ва чиқими.

4.Қўзи гўштини ишлаб чиқариш самарадорлиги.

Вазифа қилиб қўйилган масалаларни ўрганиш учун турли конституционал типга мансуб бўлган ҳисори қўйлардан беш бошдан кўп ажратилиди жами ажратилган қўйлар 45 бошни ташкил этди.

Қўзиларни сўйишдан олдин оч тутилган давридаги тирик вазнини ўзгариши тарозида тортиш натижасида ўргандик. Бунинг учун қўзиларни гўштга топширилган вақтида тортилади ва бир сутка оч тутилгандан сўнг сўйиш олдидан яна тортиб натижада фарқларни аниқладик.

Қўзиларни тирик вақтидаги семизлик даражасини аниқлашда ГОСТ 5111-55 сонли андоза кўрғазмасидан фойдаландик. Бунда биз қўйларнинг қуйидаги қисмларига – бел, думғаза, думба ости, қовурғалар ораси, қўлтиғ каби қисмлар ости ёғ тўпланишига қаратдик. Семизлик даражасини шу кўрсатилган қисмларда қўл билан ушлаб ва чамалаб кўриш орқали ўргандик.

Сўйилгандан кейин қўзиларни семизлик даражасини уларнинг гўштнинг ёғдорлигига ва ранги кўз билан кўриш натижасида ўргандик. Қўзиларни гўшт махсулотларини ўрганишда биз 1972-йили ВИЖ томонидан чоп этилган қўлланмадан фойдаландик. Қўзиларни сўйиш уларнинг томоғининг биринчи бўйин умуртқаси олдидан пичоқ билан кесиш натижасида бажарилган кесиб қонини оқизгандан сўнг қўйларни териси шилинган ва ичак чавоқлари ажратилган. Биз ҳар бир субпродукталарни алоҳида йиғиб олдик. Сўйим тамом бўлгач ҳар бир қўзининг гавдасини ва олинган субпродуклар (алоҳида) тарозида тортилган ва ҳажми аниқланган.

Гўшт махсулотларини чиқимини ҳисоблаш йўли билан ўрганишда бунинг учун ҳар бир нимтани оғирлигини сўйилишидан олдинги тирик вазнига тақсимлаб фоиз ҳисобида чиқарамиз.

Сўйим чиқими ва оғирлиги қўйларни гавда ва ёғ оғирлиги ҳамда чиқимларни қўшиш натижаларида аниқланади, ёки нимта ҳамда ёғларни

оғирлигини сўйишдан олдинги тирик вазнига тақсимлаб фоиз ҳисобида ўрганилган.

Ўтказилган тажрибани иқтисодий самарадорлиги ҳар гуруҳ турли пуштдан олинганқўйлардан олинган маҳсулотни тан нархи ва сотилиш нархларини солиштириш натижасида ўргандик, бу ишни олиб боришда биз хўжаликда ҳисобот, олиб бориш усулига асосландик.

Тажриба ўтказиш давридаги олинган барча маълумотларни биз биометрия услубида ишлаб чиқдик бунда Плохинский (1969) қўлланмасидан фойдаландик.

## **5.2.Тажриба натижалари ва шархи**

### **5.2.1.Қўзиларни оч тутиш давридаги тирик вазнини ўрганиш.**

Қўзиларнинг қорнида қолган озуқалар узоқ вақт хазм бўлмай уларни сўйган холда гўштини сифатига таъсир этиши мумкин. Бу ҳолатни инобатга олган холда қўзиларни сўйилишидан олдин бир сутка мобайнида оч тутадилар.

Бу тадбирни яхши ўтиши учун қўзилар сақланадиган ерларда охурларига туз солишади ва сув ўтказилади. Бу даврни ичида қўзилар озукланмай оч тугилади лекин туз ялаши ва сув ичишини чегараланмасдан турилади. Бундай ишларни ўтказиш қўйларни ошқозонидаги озуқа қолдиқлари хазм бўлишини тезлаштиради ва ошқозон тозалашини тезлаштиради.

60 кун давомида ўтазилган тажриба ёки бўрдоқига боқилишни қўзиларга кўрсатган таъсирини аниқлашда уларнинг тирик вазнларини аниқлаш жуда муҳимдир. Бу кўрсаткични ўрганишда биз торозидан фойдаланганмиз ҳисори қўзиларни тирик вазнини аниқлаш учун уларнинг оч қорнига тортганмиз. Биринчи тажрибага бошидан иккинчиси эса тажриба томон бўлганида, бу кўрсаткич бўйича олинган маълумотларни ҳисори қўзиларни тирик вазнини кўпайганини кўрсатмоқда 11-жадвалда келтирганмиз.

Жадвалдаги маълумотлар шуни тасдиқлайдики бўрдоқига боқилган қўзиларни тирик вазни 10,4;9,0 кўпайган, бу даврда назорат гуруҳидаги қўзиларни тирик вазни эса фақат 3,4; 2,7 кг кўпайган. 60 кун давомида энг яхши кўрсаткичга ҳисори қўзилар етган, ялпи ўсиши бўрдоқига боқилган гуруҳларида 10,4 кг яйловда ёки назорат гуруҳида эса 3,4 кг ни ташкил этган.

## Ҳисори қўзиларини тирик вазнларини ўзгариши.

| Қўй гуруҳлари     | Бош сони | Тирик вазни кг   |                   | Вазн кўпайиши |               |
|-------------------|----------|------------------|-------------------|---------------|---------------|
|                   |          | Тажрибани бошида | Тажрибани охирида | Жами кг       | Бир суткасига |
| Тажриба гуруҳлари |          |                  |                   |               |               |
| 1.Хисори қўзилар  | 10       | 29,4±0,2         | 39,8±0,4          | 10,4±0,3      | 173,3±0,4     |
| 2. Хисори қўзилар | 10       | 27,9±0,5         | 36,9±0,2          | 19±0,4        | 15±0,3        |
| Назорат гуруҳи    |          |                  |                   |               |               |
| 1. Хисори қўзилар | 10       | 29,3±0,3         | 32,4±0,5          | 3,4±0,2       | 56,5±0,5      |
| 2. Хисори қўзилар | 10       | 27,6±0,4         | 30,3±0,3          | 2,7±0,3       | 45±0.2        |

Тажриба учун ажратилган ва бўрдоқига боқилган қўзиларни бир суткалик ўсиши 173,4 ва 150,0 граммни ташкил этган. Назорат гуруҳидаги қўзиларни суткалик ўсиши 56,6 ва 45 граммни ташкил этган, Бурдоқига боқилган қўчқорлар ўзларини назорат остидаги тенгқурларидан тирик вазнларини ўсиши суткалиги бўйича 116,7-105 граммга устун келганлар, Демак бурдоқига боқиш қўйларни тирик вазнларини кўпайишига ёки ўсишига ижобий таъсир кўрсатган. Қўзиларни тирик вазнини кўпайиши уларнинг туғилган сонига ҳам боғлиқдир, олиб борилган тажриба ундаги олинган маълумотларга асосланиб шуни айтмоқ лозимдирки тажриба ва назорат гуруҳидаги туғилган қўчқорлар тажриба гуруҳларидаги қўчқорларга нисбатан устунлик қилганлар. Бурдоқига боқилганларда абсолют вазни бўйича 1,4 кг суткалик ўсиши эса 23,3 грамм, назорат гуруҳида бу кўрсаткич 0,7 кг ва 11,6 граммни ташкил этди. Бурдоқига боқиш ижобий таъсир кўрсатди. Бу ҳолат бўйича қўзиларни устида олинган натижалар шубҳасиз ўзларининг тенгқурларидан устун эканлиги яна бир бор тасдиқ

этилди, лекин иккала гуруҳдаги қўзилар ҳам яхши бурдоқчилик хусусиятига эга ва қўзилардан олинган гўшт сифатли ва мазалидир.

Бу даврда қўзиларни вазнларини бирмунча пасайиб қолади. Вазнларнинг камайиши қўзиларнинг жинсига, ёшига ва семизлик даражасига боғлиқ. Бу борадаги олган маълумотларни 11-жадвалда келтирилган.

Бу жадвалдаги маълумотлардан қўзилар бир сутка оч тутилиши натижасида ўзларининг тирик вазнларини йўқотганлиги аниқланади.

Қўпол конституциядаги қўзиларни тирик вазни 2,9 кг камайган оғирлиги эса 7,5 фоизни ташкил этганлигини аниқладик. Мустаҳкам типини қўзилари эса тирик вазнини 6 фоизга ёки 2,3 кг, нозик қўзиларда бу кўрсаткич тегишли равишда 7 фоиз ва 2,5 кг тенг бўлган. Қўзиларни конституцияси мансуб совлиқларда кузатилмоқда, нозик бўйича қиёслаганимизда бу кўрсаткич бўйича мустаҳкам конституцияли қўзилар юқори даражада бўлган. Пастки позицияли нозик ва оралиқ позицияни қўпол типини қўзилари ташкил этган.

Қўчқорлар бўйича энг кўп тирик вазнини пасайиши қўпол конституциядаги ўрта нозик ва энг кам мустаҳкам конституцияга ва ўрта нозик конституцияли қўзиларида кузатилган.



## Ҳисори қўзиларни гўшт маҳсулдорлиги

| Кўрсаткичлар                        | Ўлчов бирлиги | Ҳисори қўзилар конституцияси бўйича тақсимланиши |           |       |
|-------------------------------------|---------------|--------------------------------------------------|-----------|-------|
|                                     |               | қўпол                                            | мустаҳкам | нозик |
| Сўйишга ажратилган қўзи сони        | Бош           | 5                                                | 5         | 5     |
| Сўйишга топширилган вазни           | Кг            | 39,5                                             | 38,0      | 36,0  |
| Сўйишдан олдинги вазни              | Кг            | 36,6                                             | 35,7      | 33,5  |
| Оч тутилиш муддати                  | соат          | 24                                               | 24        | 24    |
| Қўзиларнинг вазнини камайиши мутлоқ | кг            | 2,9                                              | 2,3       | 2,5   |
| Нисбий                              | %             | 7,5                                              | 6,0       | 7,0   |
| Қўзилардан олинган нимта гўшти      | кг            | 15,4                                             | 15,3      | 13,4  |
| Қўзилардан олинган ёғ               | кг            | 3,5                                              | 3,6       | 2,7   |
| Қўзиларни сўйим вазни               | кг            | 18,9                                             | 18,9      | 16,1  |
| Нимта чиқими                        | %             | 42                                               | 43        | 40    |
| Ёғ чиқими                           | %             | 9,5                                              | 10        | 8     |
| Сўйим чиқими                        | %             | 51,5                                             | 53,0      | 48    |

Қўйларни 1сутка оч тутиш даврида вазнларнинг камайиши нафақат бу кўрсаткичга конституция маълум даражада боғлиқлиги аниқланган.

Бу кўрсаткич биз тажриба учун ажратилган қўзиларда мускул ва ёғ тўқималарнинг ривожига, думба остига ёғ тўпланишига эришишларини яна бир тасдиқладик.

Олий семиз ёки юқори даражасини семиз қўзиларни мускуллари яхши ривожланга ва думба остига, қовурғалар орасига ёғ тўплаган, белида, думғаза қисмида, умуртка поғоналари кўзга кўринмайдиган қўзилар киритилган. Бу талаблардан озгина паст кўрсаткичларга эга бўлган қўзилар ўрта семиз, ундан хам пастки кўрсаткичларга эга бўлганлари паст семиз гуруҳига киритилган.

Бизнинг тажрибаларимизда қўйларда конституционал турига кўра семизлик даражаси қуйидагича: қўпол конституцияга мансуб қўйларда юқори семизлик факт 20% ўрта семизлик 60% паст семизлик 20 фоизни ташкил этган қўзилари мустахкам конституциядаги қўзилари эса 20% юқори ўрта семизлик 80% паст семизлик йўқ нозик конституцияга мансуб қўйларни семизлик даражаси бошқа конституционал хилларга нисбатан паст бўлган юқори семизлик йўқ бўлган ўрта семизлик 70% паст семизлик 30% қўйлар киритилган.

Семизлик даражасига қўйларнинг типи конституционал типи хам тасир этиши аниқланган.

### **5.2.2.Қўзиларни сўйиш ва гўшт кўрсаткичлари.**

Биз тажриба учун ажратган қўзиларни сўйилишини хўжаликда ўтказдик. Қўзиларни гўштининг ранги ва сифати уларни сўйган вақтида қоннинг чиқишига боғлиқ. Шунини инобатга олиб қон чиқаришни 5-6 минут давом эттирдик қон умуртқа поғонаси олдида пичоқ билан томоғини кесиш натижасида ўтказилади. Қўзиларни гавдасидан оқадиган қонларни махсус ажратилган жойларга тўлдирдик, бунинг учун сўйишга ажратилган ҳар бир қўзини орқа оёғидан қонвеерга осилди боши эса пастга қаратилган.

Қўзиларни гавдасидан қонлар тўлиқ чиқиб кетганидан сўнг уларни боши тўлиқ олинади ва ҳар бири кейинги кўрсаткичларни ўрганиш учун алоҳида тайёрланади. Бу операциядан сўнг қўзиларни териси очилади – ва шилиниши бошланади, терисини ўрганиш мақсадимиз йўқлиги учун уларни дарров омборхонага сақлашга топширдик.

Тери ҳар бир қўзидан тўлиқ шилиб олингандан кейин уларнинг қорнини ёриб ичак – чавоқларини ва ички органларини олинади. Ҳамма технологик операциялар тугагач гўшт кўрсаткичлари аниқлаб қўйишни бошланди. Биринчилар қаторига ҳар бир сўйилган қўзини танасини тортдик ва оғирлигини дафтарга ёздик, бу жараёндан сўнг ички ва думба ёғларини тортдик, сўнг эса ички органларини ва бошқа субпродукталарини тортиб ўргандик, энг охирида эса ҳар қўйнинг бош оёқларини тортиб оғирлигини аниқладик. Сайраб хўжалигидаги ҳар хил турли пуштдан олинган ҳисори қўзиларни гўшторлик тўғрисидаги маълумотларни 12-жадвалда келтирганмиз.

## Турли пуштдан олинган ҳисори қўзиларни гўшторлиги (п-5)

| Қўйларни гуруҳи ва конституцияси | Сўйиш давридаги вазни кг | гавда       |          | ёғ          |          | сўйим       |          |
|----------------------------------|--------------------------|-------------|----------|-------------|----------|-------------|----------|
|                                  |                          | оғирлиги кг | чиқими % | оғирлиги кг | чиқими % | оғирлиги кг | чиқими % |
| Совлиқлар                        |                          |             |          |             |          |             |          |
| 1. Қўпол                         | 51,5                     | 23,2        | 45       | 4,9         | 9,5      | 28,1        | 54,5     |
| 2. Мустаҳкам                     | 50,6                     | 23,9        | 47       | 5,1         | 10,1     | 29          | 57,6     |
| 3. Нозик                         | 45,3                     | 19,4        | 43       | 3,9         | 8,6      | 23,3        | 51,6     |

Бизнинг тажрибаларимизда турли конституциядаги ҳар ҳил жинсдаги ва ёшдаги қўйларни тирик вазинлари бир-биридан кўп фарқ этмаслиги аниқланди. Қўзилар гўшт маҳсулоти тўғрисида фикр юритар эканмиз шуни айтмоқ лозимки бу кўрсаткич бўйича мустаҳкам турли пуштдан олинган қўйлар, қўпол ва нозик конституция қўйларига нисбатан устун келмоқда.

Совлиқлар орасида энг юқори гавда гўшти ёғ, суяк оғирлиги ва уларнинг чиқими бўйича мустаҳкам конституциядаги қўйларда кузатилмоқда – 23,9 кг гавда гўшти, 5,1 кг – ёғ, 29 кг сўйиш оғирлиги ва уларни чиқими 97-100, 57,6 процентга тенг. Нозик конституцияга совлиқлар энг паст кўрсаткичга эга бўлдилар гавда оғирлиги 19,4 кг, ёғдорлиги-3,9 кг, сўйим оғирлиги 23,3 кг уларнинг чиқими эса 43-8,6-51,6 фоизни ташкил этди. Қўпол турли пуштдан олинган совлиқлар бу кўрсаткичлар бўйича оралик жараёни эгаллаганлар. Демак совлиқларни гўшторлиги конституционал тури ижобий таъсир этган ва энг яхши ва кўп гўшт берадиган совлиқлар бу мустаҳкам конституциядаги қўйлардир.

Қўйларнинг гўшт маҳсулдорлигига уларнинг конституцияси ижобий таъсир этиши биз томондан нафакат совлиқларда ўрганилди, бу кўрсаткичларни биз ахта қилинган қўчқорларда ва 7-8 ойлик қўзи

қўчқорларида ҳам давом эттирдик ва натижада яна бир бор юқоридаги фикримизни қайта тасдиқладик. Бу тўғрисидаги маълумотларни 14-жадвалда тўлиқ келтирганмиз.

Гўшт маҳсулотини асосий кўрсаткичларини кузатиш ва ўрганишни яқунлар эканмиз шуни айтмоқ лозим деб топдикки ҳамма жинс ва ёшдаги қўйларни конституцияси бу кўрсаткичларга ижобий таъсир этган ва келажакда улардан олинган маълумотлардан тўғри фойдаланиш ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этмоқ зарур.

Қўзилардан олинган ёғни биз алохида ички ва думба ёғига ажратиб ўргандик. Олган маълумотларимизда шу фикрга келдикки жами ёғнинг 30-40% ички; 60-70% эса думба ёғлари ташкил этади ва бу кўрсаткичлар бўйича ҳам мустахкам конституциядаги қўйлар қолган конституционал қўйлардан устун келган.

Совлиқларини ёғдорлиги қўчқорларига нисбатан фарқ қилган уларнинг ички ёғ миқдори жами ёғнинг 60%, думба ёғи эса фақат 40% ташкил этди, демак совлиқларда жинсий делорфизм устунлиги бор экан. Сўйилган қўйларни гўшти ва ёғидан ташқари улардан олинган барча субпродукталарни ҳам ўргандик. Бу тўғрисидаги маълумотларни 13-жадвалда келтирганмиз.

Жадвал-13.

Турли пуштдан олинганхисори қўзиларидан олинган субпродуктлар абсолют (п-5)

| Субпродуктлар     | Қўзи қўчқорлар |           |       |
|-------------------|----------------|-----------|-------|
|                   | қўпол          | мустаҳкам | нозик |
| I-категория       |                |           |       |
| 1-юррак           | 0,30           | 0,29      | 0,28  |
| 2-жигар           | 0,48           | 0,40      | 0,39  |
| 3-буйрак          | 0,18           | 0,18      | 0,17  |
| 4-талоқ           | 0,23           | 0,22      | 0,21  |
| 5-ўпка            | 0,46           | 0,45      | 0,45  |
| 6-диафрагма-парда | 0,18           | 0,18      | 0,17  |
| I-категория ҳажми | 1,75           | 1,73      | 1,67  |
| II-категория      |                |           |       |
| 1-калла           | 3              | 2,8       | 2,6   |
| 2-оёқлар          | 0,4            | 0,4       | 0,4   |
| II-категория жами | 3,40           | 3,20      | 3     |
| ҳаммаси           | 5,15           | 4,93      | 4,67  |

Жадвалдаги маълумотларга асосланиб шуни айтмоқ керакки қўпол турли пуштдан олинган қўйлардан олинган 1 ва 2 категория субпродуктларини ҳажми бошқа конституциядаги қўйларга нисбатан юқори бўлган. Энг паст бу кўрсаткич нозик типдаги қўйларга мансуб, мустаҳкам турли пуштдан олинган қўйлардан олинган субпродуктлар совлиқлардан олинган 1 категория субпродуктларини ҳажми 2,5-2,25 кг; ахта қилинган қўчқорлардан эса 2,21-1,92 кг, 7-8 ойлик қўчқорлардан – 1,75-1,67 кг ташкил этди. 2 категориядаги субпродуктлар совлиқлардан 4,5-3,3 кг; ахта қўчқорлардан 4,2-3,2 кг; қўчқорлардан 3,4-3,0 кг ташкил этди. Субпродуктларни ишлаб чиқиши тўғри йўлга қўйилса қўйчиликдан олинадиган гўшт миқдори яна кўпайиши мумкин. Лекин қўйларни калласини ва оёқларини катта бўлса унда гўшт чиқими камайиб қолиш эҳтимол бор шунинг учун бу кўрсаткични хаммасини иложи борича пасайтирилган йўлларни қидирмоқ лозим. Демак қўйларни конституцияга ҳам лекин умумий гўшт маҳсулотига салбий таъсир ёки конституцияси қанчалик кўполлашиб ёки нозиклашиб қолса қўйларнинг гўшт маҳсулдорлиги пасайиб кетади. Шу кўрсаткични инобатга олган ҳолда қўй совлиқларида мустаҳкам конституциясига мансуб қўйларни сонинни кўпайтирмоқ лозим.

**VI.Сайраб фермер хўжалигида турли пушtdан олинган кўзилардан олинган гўшти самарадорлиги.**

Олиб борилаётган ҳар бир ишни шу жумладан тажрибани ҳам унумини аниқлаш учун иқтисодий самарадорлик ўрганилади. Шунингдек олиб Сайраб хўжалигидаги Турли пуштдан олинган қўйлардан гўшт ишлаб чиқаришни иқтисодий самарадорлигини ўргандик. Бу кўрстакчи ўрганишда биз хўжаликдаги маълумотларга асосландик ва ҳисобот бўлимидаги ҳисобот усулларида фойдаландик.

14-жадвалдаги келтирилган маълумотлар шуни кўрсатадики гўшт ишлаб чиқиш бўйича энг кўп соф фойда хўжаликка мустахкам турли пуштдан олинганқўйлардан келган, кўзи қўчқорлардан 65320 сўм , кам фойдани хўжаликка озиқ конситутциясидан қўйлар келтирган.

Олинган соф фойда билан чегараланмай гўшт ишлаб чиқаришни рентабеллик даражасини ҳам аниқландик. Олган натижаларга асосланиб биз бу кўрсаткич бўйича кўзи кўчқорлари юқори эканлигини аниқладик, улардан олинган гўштни рентабеллик даражаси конституцияларага биноан 52,59; 52,8 ва 52,44 фоизни ташкил этган

Демак гўшт ишлаб чиқаришда кўпол турли пуштдан олинганқўзи кўчқорлар юқори рентабеллик даражасига эга бўлди ва ҳамда турли пуштдан олинганқўзи кўчқорларини рентабеллик даражаси бошқа жинс ва ёшдаги кўйларга нисбатан юқори эканлигидан далолат беради.



Турли пуштдан олинган ҳисори қўзиларни гўшт ишлаб чиқарилишини иқтисодий самарадорлиги.

| Кўрсаткичлар            | Ўлчов<br>бирлиги | Қўзи қўчқорлар |           |         |
|-------------------------|------------------|----------------|-----------|---------|
|                         |                  | қўпол          | мустаҳкам | нозик   |
| Сўйилган қўй            | бош              | 5              | 5         | 5       |
| Сўйилишдаги тирик вазни | кг               | 38,6           | 37,7      | 33,7    |
| Ҳар бош қўйдан          | кг               | 19,3           | 19,5      | 16      |
| Жами бошдан             | кг               | 96,5           | 97,5      | 80      |
| 1 кг гўшт ишлаб чиқариш | сўм              | 1188880        | 1199250   | 986400  |
| 1 кг гўшт сотилиши      | сўм              | 18800          | 18800     | 1800    |
| Ялпи гўштдан            | сўм              | 1814200        | 18330000  | 1504000 |
| Соф фойда               | сўм              | 623520         | 633750    | 517600  |
| Рентабеллик             | %                | 52,59          | 52,8      | 52,44   |

## VII.Хулоса

Хўжаликда Турли пуштдан олинган хисори қўйларини гўштдорлигини ўрганиш тажрибасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1.Турли конституцияга ажратилган хар ҳил жинсдаги ва ёшдаги қўйлар хисори қўйларига мансуб ва уларни вакиллариدير.

2.Тажриба учун ажратилган (сўйишга) қўйларни тирик вазни уларнинг жинсига, ёшига ва конституциясига боғлиқ совлиқларни вазни конституцияларига (қўпол-мустахкам-нозик) биноан ва ахта қилинган қўчқорларни ва қўзи қўчқорларни ташкил этди. Бу кўрсаткичлар бўйича қўпол конституциядаги қўйлар қолган конституцияларга нисбатан устунлик қилган, нозик турли пуштдан олинган қўйларни тирик вазни энг паст.

3.Қўйларни сўйилишдан олдин оч тутулиши уларнинг тирик вазнига салбий таъсир кўрсатди. Бу ҳолатга мустахкам турли пуштдан олинганқўйлари барчаси ва тирик вазнини йўқотилиши энг кам бўлди. Қўпол ва нозик турли пуштдан олинганқўйларида чидамлилиги паст, шунинг учун уларни тирик вазнини камайиши мустахкам конституциядаги қўйларга нисбатан кўпроқ.

4.Совлиқларни (қўпол-мустахкам-нозик) тирик вазнлари 5,9-5,7-5,6 кг; ахта қилинган қўчқорларни 5,2-5-5,2 кг; қўзи қўчқорларни эса 3,5-3,2-3,3 кг камайиб қолгани аниқланди.

4.Хисори қўзиларидан яхши гўшт ва ёғ олинди. Гўштдорлиги бўйича энг юқори кўрсаткични мустахкам конституциядаги қўйлар эгаллади, сўйиш оғирлиги 38,8 кг, чиқим эса 57,6%, бу ахта қўчқорларида ва 52,5%. Энг паст бу кўрсаткич нозик турли пуштдан олинган қўйларида совлиқларида чиқими 51,6%, ахта қўчқорларида 50%, қўзи қўчқорларида 47,5%. Қўпол турли пуштдан олинганқўйлар эса бу кўрсаткич бўйича оралиқ масофани эгаллади.

5.Қўчқорлардан олинган гўшт ўзининг сифати бўйича бошқалардан фарқ қилди. Мустахкам конституциядаги қўйларнинг гўштини 80% 1

категорияга 20 %, 2 категорияга қўпол конституциядаларники эса 60% 1 ва 40% 2 категорияга нозикларники эса 50% 1 категория ва 50% га тенг.

6.Ҳисори қўйларида олинган субпродуктлар шуни кўрсатдики уларни тўғри ишлатилиши натижасида ҳар бир сўйиладиган қўй ҳисобига 4,5-7,1 кг ошириш мумкин.

7.Қўйлардан олинган гўшти сотиш натижасида деярли даражада соф фойда олинди.Бу фойда бўйича мустаҳкам турли пуштдан олинганқўйлар устунлик қилади, энг пастки кўрсаткичга нозик конституциядаги қўйлар эга бўлдилар.

8.Рентабеллик даража бўйича энг фойдали бу кўзи кўчқорлари эканлиги аниқланди, бошқа жинс ва ёшдаги қўйларга нисбатан улар устунлик этди.

## **VIII.Тавсия.**

Ўтказган кузатув ишимизга ва унда олинган маълумотларга асосланиб хўжаликка тавсияларимиз қуйидагилар:

1. Гўшт ишлаб чиқаришда мустахкам ва қўпол конституцияни инобатга олиш.
2. Қўзи гўштини ишлаб чиқарилишини йўлга қўйиш.
3. Барча гўштга топшириладиган қўзиларни семиртириш учун бўрдокига боқиш.

## **IX.Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**

- 1.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Олий кенгаш қарорлари “Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш “ Тошкент-1995
- 2.Каримов И.А. “Чорвадорларга имтиёзлар бериш тўғриси” даги фармон “Халқ сўзи “ рўзномаси 1995.
- 3.Каримов И.А. “Қишлоқ хўжалиги тараққиёти тўқин хаёт манбаи” “Ўзбекистон тараққиёт йўлида” Тошкент 1998-йил.
- 4.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Чорвачиликда ислохотларни чуқурлаштириш тўғрисидаги 1997 йил қарори.
- 5.Амиров А.К., Арипов У.Х. Рекомендация по выращиванию нагулу молдняка курдючных овец джайдары и эффективность их использования но мясо. Ташкент 1971
- 6.Амиров А.К. Некоторые данные о мясо-сольной продуктивности каракульских, курдючных и помесей курдючных с тонкорунными. Тр.УзНИИЖ. Выпъ Ташкент 1961.
- 7.Арипов У.Х. Откорм курдючных ягнят Ж. “Сельскохозяйство Узбекистана“ №5 1970.
- 8.Амиров и др. Влияние серков отбивки на продуктивность ягнят джайдары и их матерей. “Проблемы повышения мясо и молока в Узбекистане-ТашИДНСХИ“. Ташкент 1990.
- 9.Алиев Г.А. Новая мясо-сольная, Шерстная породная группа овец. Душанбе. 1952.
- 10.Будайчев Б. Хозяйственно- биологические особенности межпородных помесей в кюрдучном овцеводство. Автореферат кандидатской диссертации Алма-Аты . 1987.
- 11.Бакиров А., Қаландаров С. Думбали қўйларнинг янги зотини етиштириш тажрибаси “Мехнат” Тошкент 1986.
- 12.Бутиков Гисарский овци Узбекистана Ташкент 1972.

- 13.Большомонт В.А. Выведение новой породы полугрубо шерсти курдючное овец. Т.Каз ИИИ.Животноводство. Т.г.Алма-Ата 1952.
- 14.Викторов П.И., Ненешов П.Д. Виявление различного уровня белкового питания на мясные качество тонкорунных ягнят. Тр. Второй научный конференции Краснадор 1962.
- 15.Борисенко Б.Н пути интенсификации овцеводство. Ж. "Овцеводство" N 5.1986.
- 16.Джасимов Ф.,Амиров А.К Повышат качество боранини. Ж. "Сельское хозяйство Узбекистана" N 9. 1979.
- 17.Джасимов Ф., Амиров А.К Хамрокулов Р.Повышения продуктивности овец в Учхозе им. Кирове "Интенсификация с-х производство теми докладов на научно-характеристическо конференции" Тошкент.1986.
- 18.Джасимов Ф.,Сулаймонова О.И. Жайдари қўйларни эрта қўзилатишни афзаллиги. Аграр фани ютуқлари ва истиқболлари. Халқаро илмий ва амалий конференция илмий тўпламлари. Тошкент 2002.
- 19.Попов И.С. Кормления сельскохозяйственных животных. М.1958.
- 20.Плохинский Н.Л. Биометрическая обработка опытом данных. М.1969.
- 21.Рахимов А.А. Қоракўлчилик.Тошкент 1967.
- 22.Рахимов Ш.Каракулеводство один из резервов производства молока. Ж."Овцеводства". №3 1964.
- 23.Ризаев.Ш.М. и др. Шерстная продуктивность каракульских овец различных смушковых типов пути повышения рентабельности каракулеводство. Самарканд.1973
- 24.Литовченко Г.Р. Методы выведения селтойской породы овец. М.1950
- 25.Литовченко Г.Р., Василев А.В.Научное основа племенных работ в овцеводстве. "Селхозгиз". М.1951.
- 26.Литовченко Г.Р., Есоулов Н.А."Овцеводства".Т-2.М..1972.
- 27.Методика учета мясной продуктивности овец. Труды ВИЖА Дубровицы 1972.
- 28.Методика определения упитанности овец ГОСТ 5111-55 Дубровица 1972.

- 29.Николаев А.И., Ерохин А.И. Овцеводство Москва 1987
- 30.Сайраб фермер хўжалигини молия шароити молиявий ишлаб чиқариш режаси –2010-2013й.
- 31.Сайраб фермер хўжалигини об-ҳаво ва иқлим шароити тўғрисида Термез метрология маълумотлари 2013.
- 32.Фарсиханов С.И. Гиссарские овца важный источник пополнения мясных ресурсов Овцеводство №1.1967 й.
- 33.Юдин Ю.И., Родин. В.П. Овцеводство с леновами – промышленной технологии Москва 1983 й.
- 34.Иванов М.Ф. Создания новых пород овец. Проблемы животноводство №2. М.1934.
- 35.Иванов М.Ф.Смушкова молочное овцеводства. М.1992
- 36.Иванов М.Ф. Избранное сочинения. М.1987.
- 37.Канцельпольский А.С Учебная книга корабководство М.1983.
- 38.Корибаев К.Х. Испытание кормовых качеств низкогосипольного хлопкового шрота в разное телят молочного периода развития. Актуальные проблемы развития биоорганической химии в Узбекистане тез докла Республиканской науч конференции Тошкент 1998.
- 39.Кияткин П.Ф. Курдючное овцеводство Узбекистана. Ташкент. 1952.
- 40.Кияткин П.Ф. Курдючное овцы и племенная работа с ними «Фан». Ташкент 1968.
- 41.Кияткин П.Ф. резервы производства высококачественной баранины «Животноводство» №3. 1970.
- 42.Кондеков В.И., Кондеков А.К. интенсивный откорм баранчиков Реф.журнал. Овцеводство и Козаводство» № 10.1988.
- 43.Лебедев И.П. Гиссарские овцы и пути их совершенствования. Душанбе. 1952.
- 44.Попов И.С. Кормления сельскохозяйственных животных. М.1957.
- 45.Плохонский Н.Л. Биометрическая обработка опитним даних.М.1969.
- 46.Стакан Н.А. Местная курдючная овца джайдари. Ташкент 1945.
- 47.Токчуков Б. Откорм овец на гранула. Ж. “Овцеводства”. №3 1972.с.26

48. Тапильский И.Х. Мясо-шерстное овцы Узбекистана. Ташкент 1974.
49. Абдувоитов Ш. Мясо-соляная продуктивность каракулских овец. Науч. тр. Самсехи. Том. XIII вопроса зоотехнии и каракуловодство. Самарканд 1971 й.
50. Бакиров А, Колотаров С. Думбали қўйларни янги зотини етиштириш тажрибаси “Меҳнат” Тошкент. 1986
51. Бутиков Гисарские овца. Узбекистана Ташкент.
52. Василиев Н.А, Целютин В.К. Овцеводство. 1990.
53. Джасимов Ф. Откормочные способности и качественный состав мяса овец народ каракулский и джайдара. Автореферат кандидатской диссертации тошкент 1982.
54. Методика учета мясной продуктивности овец. Труды ВИЖА Дубровицы 1972.
55. Методика определения упитанности овец ГОСТ 51111-55 Дубровица 1972.
56. Фарсиханов С.И. Гиссарские овца важный источник пополнения мясных ресурсов Овцеводство №1. 1967 й.